

А Ж Р И М

2025 йил 31 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Арапов, А.Толиповнинг котиблигида, Қўштепа туман прокурори ёрдамчиси С.Қурбонов, адвокат Х.Юлдашев, судланувчи Д.Қахоров ва жабрланувчи Н.Қахороваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 3-қисми билан Д.Қахоровга нисбатан 1-1512-2501/237-сонли жиноят ишини кўрди.

Қахоров Давлатбек Тавакалович, 1986 йил 23 август куни Қўштепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта-махсус, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Қўштепа тумани, Кўприкбоши м.ф.й., Булоқбоши кўчаси, 235-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 24 октябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги аризаларини жиноят иши материалларига қўшиб ўрганиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки тергов органи томонидан Д.Қахоров 2025 йил 27 июль куни соат 18ларда, Қўштепа тумани, Кўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Булоқбоши кўчаси, 235-уйда жойлашган хонадонида, бир рўзгор асосида бирга яшаётган турмуш ўртоғи Н.Қахоровани уриб, қасддан енгил тан жароҳати етказиб, оилавий зўравонлик қилганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 3-қисми билан айб эълон қилинган.

Судланувчи Д.Қахоров судда, эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроп бўлиб, 2025 йил 27 июль куни соат 18ларда, Қўштепа тумани, Кўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Булоқбоши кўчаси, 235-уйда жойлашган хонадонида турмуш ўртоғи Н.Қахорова билан жанжаллашиб қолгани, шунда жахл устида турмуш ўртоғи Н.Қахоровани бир-икки марта қўли билан уриб юборгани, ҳозирда турмуш ўртоғидан кечирим сўраб, у билан ярашиб бирга яшаётганини баён қилиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Қахорова судда, Д.Қахоров турмуш ўртоғи экани, 2025 йил 27 июль куни соат 18ларда, Қўштепа тумани, Кўприкбоши маҳалла фуқаролар йиғини, Булоқбоши кўчаси, 235-уйда жойлашган хонадонида, турмуш ўртоғи Д.Қахоров оилавий тортишув жараёнида қўллари билан уриб юборгани, ҳозирда соғлиги яхшилиги, турмуш ўртоғини кечиргани, турмуш ўртоғи билан бирга яшаётгани, унга нисбатан ярашув тасдиқлангач шу ишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома киритиш ҳуқуқини йўқотиши ҳақида огоҳлантирилганини баён қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасида ушбу Кодекс 126¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқроор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖК 84-моддасининг 4-қисмида эса жабрланувчи ЖК 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судланувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қароридаги раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, судланувчи ва жабрланувчининг сўзларини тинглаб, уларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатларига кўшиб ўрганиб, судланувчи Д.Қахоровнинг қилмишига иқроорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноят натижасида етказилган зарар қоплангани, жабрланувчи Н.Қахорованинг даъвоси йўқлиги, ярашиб олишгани ва ярашув ихтиёрий бўлганини эътиборга олиб, судланувчи Д.Қахоровнинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 84, 401, 423, 586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И

Қахоров Давлатбек Тавакалович жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 3-қисми билан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Д.Қахоровнинг муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб 10 кун ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

Р.Арапов



Маъсул судья: Арапов Рахматжон Эргашович



Хужжат имзоланган: Арапов Рахматжон Эргашович, 20.10.2025

